

МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БЮДЖЕТ-СОЛИҚ СИЁСАТИНИНГ АҲАМИЯТИ

Рахмонов Элдор Акрамович

Учқунова Асалбону Голиб қизи

Банк-молия академияси магистрантлари

Аннотация: Мақолада бюджет-солик сиёсатининг моҳияти ва мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришидаги аҳамияти ёритилган.

Калит сўзлар: молиявий сиёсат, бюджет-солик сиёсати, солиқлар, бюджет.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни яратишга қаратилган изчилиқтисодий ислоҳотларни амалга оширмоқда. Ислоҳотлар стратегияси давлат иқтисодий сиёсатининг кенг камровли дастакларини ўз ичига олади.

Мана шундай дастаклардан энг муҳимларидан бири-давлатнинг изчил молиявий сиёсати ҳисобланади. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида давлат молиявий сиёсатини олиб бориш ва иқтисодни молиявий тартибга солиш муаммоларига алоҳида эътибор берилади.

Маълумки, ҳар қандай жамиятда ҳам давлат бирон-бир мақсадга эришиш, олдига қўйган вазифа ва мажбуриятларини бажариш учун молиядан кенг фойдаланади.

Молиявий сиёсат қўйилган мақсадларни ҳаётга татбиқ этиш учун бажарилиши лозим бўлган вазифаларни ташкил этишда асосий роль ўйнайди. Молиявий сиёсатни ишлаб чиқиши жараёни ва ҳаётга татбиқ этишда у жамиятолдида турган вазифаларни бажариш шароитларини тамиnlаб, иқтисодий манфаатларга таъсир кўрсатадиган қурол сифатида намоён бўлади. Молиявий сиёсатининг асосий йўналиши молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш,

молиявий тизим соҳалари ўртасида қайта тақсимлаш ва бош йўналишга эга бўлган ижтимоий-иктисодий ривожлантиришни баркарорлаштириш мақсадида давлат ихтиёридаги молия ресурсларини марказлаштиришдан иборат.

Молиявий сиёсат ўз-ўзини босиб турувчи мустақил аҳамиятга эга бўлиб, бирвақтнинг ўзида ижтимоий фаолиятнинг ҳар қандай соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Бу ерда унинг иктисодиёт, ижтимоий соҳа, ҳарбий ислоҳотлар ёки халқаро муносабатлар бўлиши жиддий аҳамиятга эга эмас.

Молиявий сиёсатнинг таркибий қисми (йўналиши) сифатида давлатнинг бюджет сиёсати, энг аввало, ҳар бир мамлакатнинг Конституциясида бюджет жараёнида ҳамда қонун ижодкорлигига алоҳида ҳокимият органлари функцияларини белгиловчи бошқа қонунлар мажмуига мувофиқ аниқланади. Ўзининг ҳажми ва муҳимлиги жиҳатидан катта иш бўлишига қарамасдан бюджет сиёсатини фақат бюджет жараёнига тегишли деб ҳисоблаш мақсадга мувофиқ эмас. Қонун бюджет жараёнида ҳокимиятдаги қонунчилик ва ижроия органлари функцияларини, мамлакат субъектлари функцияларини, бюджет федерализми принципларини, бюджет жараёни субъектларининг хуқуқ ва мажбуриятлари ва ҳ.к.ларни аниқ белгилаши керак. Бироқ бюджет сиёсати шу билан чекланмайди. Бюджет сиёсати бюджетда тўпланадиган ялпиичкимахсулот ҳиссасини аниқлашда, мамлакат юқори ва қуий органлари муносабатларида, бюджет харажатлар қисмининг таркибий тузилишида, турли даражадаги бюджетлар ўртасида харажатларни тақсимлашда, давлат қарзини бошқаришда, бюджет дефицитини қоплаш йўлларини аниқлашда ифодаланади.

Бюджет сиёсати – бюджет муносабатларини ташкил этиш тамойилларининг бажарилишини таъминлаш, давлат ва жамият олдида турган мақсад ва вазифаларни давлат бюджети орқали амалга ошириш усуллари, чора-тадбирлари ва мақсадли фаолиятлари йигиндисидир. Бюджет сиёсати давлат ва жамият ривожланишининг

турли босқичларида турлича бўлиши, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражасига қараб ўзгариб туриши мумкин. Бюджет сиёсати:

- бюджет даромадлари бўйича сиёсат;
- бюджет харажатлари бўйича сиёсат;
- давлат кредити сиёсати;
- бюджет тақчиллигини бошқариш сиёсати;
- Бюджетлараро муносабатларни ташкил этиш сиёсати кабиларнинг уйғунлиги асосида амалга оширилади.

Демак, бюджет сиёсати – давлат молия сиёсатининг таркибий қисми бўлиб, умумдавлат молиявий ресурсларини (манбаларини) шакллантириш ва жалб этиш, тақсимлаш, улардан мақсадга мувофиқ фойдаланишга қаратилган давлатнинг чоратадбирлари ва асосий йўналишлари йиғиндисидир. Бюджет сиёсатининг асосий мақсади – жамиятда яратилган бойлик ва неъматларнинг жамият аъзолари ўртасида максимал даражада адолатли тақсимлашни таъминлашдан иборат.

Солик сиёсати молиявий сиёсатининг энг муҳим қисми ҳисобланади. Солик сиёсати – давлатнинг солиққа тортиш тизими борасидаги фармон, қонун ва қарорларини давлат иқтисодий сиёсатига мос равишда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, уларнинг ижросини таъминлашни ташкил қилиш билан боғлиқ чоратадбирлар, фаолиятлар йиғиндисидир.

Давлат солик сиёсати республика иқтисодиётини барқарорлаштириш ва ривожлантиришга,

тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, аҳоли турмуш даражасини яхшилашга фаол таъсир этиши лозим.

Бинобарин, солик сиёсати — бу нафақат солик қонунларининг автоматик бажарилиши, балки уларнинг такомиллашувидир.

Жаҳон солик сиёсати тажрибасида солиққа тортишнинг қўйидаги йўналишларига асосий эътибор қаратилади:

- соликларнинг фискаллик даражасини камайтириб бориш;

- хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий хўжалик фаолиятига қулай имконият ва иқтисодий шарт-шароит яратиш; бозорга рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мослаштириш;
- давлатнинг ижтимоий-иктисодий соҳадаги вазифаларини бажариш учун зарур бўлган молиявий манбаларни яратиш;
- иш билан бандлик муаммосини бартараф этишга шароитлар яратиш, кам таъминланганларга ёрдам бериш;
- аҳоли турмуш даражасини яхшиланишини таъминлаш, соликқа тортилмайдиган минимумларни иқтисодий ривожланиш даражаси ва имкониятларига қараб ошириб бориш;
- «Истеъмол саватчаси» га кирувчи моддаларни кўпайтириб бориш ва бошқалар.

Давлат солик-бюджет сиёсатининг стратегик вазифаси давлат маблағларини тузилмавий қайта қуришни, иқтисодий мустақилликни ва охир-оқибатда аҳоли фаровонлигининг ошишини таъминлаш учун ривожланётган бозор иқтисодиёти ва унинг инфратузилмасига мақсадли таъсир кўрсатишга йўналтиришдан иборат. Бу эрда бюджет-солик сиёсати деганда, давлатнинг бюджет даромадларини оптимал шакллантириш ва давлат харажатларини рационализация қилиш учун солик олишни такомиллаштириш соҳасидагисиёсати тушунилади.

Айни пайтда солик-бюджет сиёсати ишчлаб чиқаришни ўстиришга вайнинг самарадорлигини оширишга, соликқа тортиладиган базани кенгайтириш мақсадида хукуқий ва жисмоний шахслар даромадларини кўпайтиришга қаратилган бўлиши лозим. Бюджет-солик сиёсатининг хусусияти шунданиборатки, у нафақат давлатнинг даромадлар базасини таъминлаш ва келибтушган пул маблағларини харажат қилиш, балки жамиятда макроиктисодий барқарорликни ҳамда инфляциянинг паст даражасини, аҳолининг оптимали бандлигини таъминлаши зарур.

Солик-бюджет сиёсати топ маънода макроиқтисодий барқарорлик вамустаҳкам иқтисодий ўсиш, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни ва босқичма-босқич валюта бозорини эркинлаштириш, аҳолининг барқарор моддий фаровонлнгини таъминлаш ва аҳолининг ижтимоий ҳимоясини ошириш каби умумдавлат макроиқтисодий вазифаларни таъминлашга йўналтирилган.

Солик-бюджет сиёсати амалиётда амалга ошириш нуқтаи назаридан бирламчи вазифалар ўртасида туғри мувофиқликни аниқлаш муҳим ҳисобланади Бошқача айтганда, бюджет-солик сиёсати доирасида умумий стратегияни ишлаб чиқиш билан бир қаторда навбатдаги амалга ошириладиган аниқ чора-тадбирларга фақат тўғри ургу бериш орқали муваффақиятга эришиш мумкин.

Бозор муносабатларига ўтишнинг муайян босқичи вазифаларига мос равища бюджет-солик сиёсати инструментлари ҳам ўзгариб боради. Миллий иқтисодиётимизни ислоҳ қилишнинг бугунги кундаги энг муҳим вазифалрдан бири давлат бюджети даромад ва харажатлари мувофиқлигини таъминлашга қаратилган.

Солик-бюджет сиёсатининг мувофиқлигини таъминлашга қаратилган. Бюджет-солик сиёсатининг стратегик вазифаси давлат харажатларини тузилмавий қайта кўришни, даромадларнинг янги манбаларини излаб топишни, иқтисодий мустақилликни ва охир-оқибатда аҳоли фаровонлигининг ошишини таъминлаш учун ривожланаётган бозор иқтисодиёти механизmlарига мақсадли таъсир кўрсатиши йўналтиришдан иборат. Бунда бюджет-солик сиёсати давлатнинг бюджет даромадларини бюджет харажатлари таркибий тузилишининг ўзгаришига қараб шакллантириш, даромадларни оқилона сарфлаш механизмини ишлаб чиқиш соҳасидаги сиёsat тушунилади.

Давлат бюджети сиёсати давлатнинг даромадлари ва харажатларини рационал шакллантириш, бюджет бўғинлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиши,

мҳаллий бюджетлар манфаатларини мувофиқлаштириб туришни таъминлаши лозим.

Айни пайтда, бюджет-солик сиёсати ишлаб чиқаришни ўстиришга ва унинг самарадорлигини оширишга солиққа тортиладиган базани кенгайтириш мақсадида хукуқий ва жисмоний шахслар даромадларини кўпайтиришга қаратилган бўлишикерак.

Бозор иқтисодиёти шароитида солиқ-бюджет сиёсатининг асосий вазифалари иқтисодиётда ишлаб чиқариш жараёнининг пасайиб кетишига юл қўймаслик, яъниишлаб чиқаришни рағбатлантиришга юналтирилган чора-тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат. Бунинг учун солиқ сиёсати соҳасида солиқ ставкаларини пасайтириш, янги инвестициялар учун солиқ имтиёзларини бериш, тезлаштирилган амортизацияни қўллаш каби тадбирлар амалга оширилади.

Ўзбекистондаги солиқ-бюджет сиёсатининг характерли хусусиятлари сифатида қўйидагиларни ажратиш мумкин:

□ хукумат ижтимоий-иқтисодий ва бюджет-солиқ сиёсатининг ўзаро боғланилганлиги ва бир-бирини тўлдириши;

□ солиқ-бюджет сиёсатининг макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий юксалишни

рағбатлантиришга эришиш ҳамда уни мустаҳкамлашга йўналтириши;

□ солиқ йиғимини оқилона усулда ташкил этиш ва солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини таъминланиши;

□ бюджет харажатларининг ижтимоий мақсадларга йўналтирилиши.

Рағбатлантирувчи солиқ-бюджет сиёсати солиқларни камайтириш ҳисобига иқтисодиётнинг даврий тушишини бартараф этиш ёки давлат бюджети харажатларини оширишга йўналтирилган бўлади.

Чегараловчи солиқ-бюджет сиёсати эса, солиқларни ошириш ҳисобига инфляция даражасини пасайтириш ёки давлат харажатларини қисқартириш вайқтисодиётнинг даврий кўтарилишини чегаралашга йўналтирилган бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, солиқ-бюджет сиёсати мамлакат молия тизимининг асосини ташкил этади.

Мавжуд молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни тўғри йўналтириш самарадорлигини ошириш ва ижтимиой-иктисодий тараққиётни таъминлашда солиқ-бюджет муносабатларининг яхлитлигига эришиш мамлакатда макроиктисодий барқарорликни таъминлашга, самарали солиқ ва бюджет сиёсатини юритишга, ахоли турмуш даражасини юксалтиришга хизмат қиласди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдуғаниева Хумора Бахтиёр қизи, Ўроқов Учқун Юнусович. Давлат мақсадли жамғармаларининг иқтисодий-ижтимоий аҳамияти ва сўнги йиллардаги ўзгаришлар. Жоурнал оғ new сэнтурӣ инноватионс. Волуме – 6_Иссуэ-7_Июн_2022
2. Ваҳобов А.В., Маликов Т.С. Молия. Дарслик. Тошкент Молия институти. Тошкент: «Ношир», 2011-712 б.
3. Б.К.Гайибназаров, Н.Х.Хайдаров. Объективная статистика-барометр отражения социально-экономического развития страны. 2019
4. Г.Г.Назарова, Н.Х.Хайдаров, М.Акбаров. Халқаро иқтисодий муносабатлар. — Т.: МЧЖ "РАМ-С", 2007
5. Г.Г.Назарова, Н.Х.Хайдаров. Интернационал эсономис релатионс. Эдусатионал Мануал. ТДИУ, 2005
6. Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет – солиқ сиёсати. – Т.: Шарқ. 2011 — 472 б.
7. Т.Маликов, Н.Хайдаров. Давлат бюджети. Т.: "ИҚТИСОД-МОЛИЯ, 2007
8. Т.Маликов, Н. Хайдаров. Бюджет: тизими, тузилмаси, жараёни. 2007
9. Хайдаров Н.Х. Молия: умумдавлат молияси. Т.: Иқтисод-молия, 2009
10. Н.Хайдаров. Солиқлар ва солиққа тортиш масалалари. Тошкент: Академия, 2007